



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Гулчехра Азизовна Агзамова XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....	4
2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов «ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....	11
3.Зумрад Касимова УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4.Муродулла Мирзаев ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....	21
5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	30
6.Акмалжон Марозиқов ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	37
7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....	43
8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида).....	49
9.Dilrabo Shomurodovna Murodova BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....	56
10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	61
11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	68
12.Kurbanov Golib Negmatovich SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Сайёра Турғуновна Мирсоатова,
Фарғона давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
Раънохон Ўринбой кизи Ахмадалиева,
Фарғона политехника институти,
Ижтимоий-гуманитар кафедра ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

For citation: Sayyora Turgunovna Mirsoatova, Ranokhon Urinboy kizi Akhmadalieva. MONUMENTS OF THE MESOLITHIC ERA IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp. 30-36



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-5>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Устюртдаги мезолит даврига оид мавсумий асосий лагерлар, овчилик ўлжасини тақсимлаш қароргоҳлари, қисқа муддатли оралик маконлар ҳамда Қўшилиш, Мачай ва Обишир каби Ўзбекистондаги таниқли мезолит даври ёдгорликларининг даврлаштирилишидаги баҳсли ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Ўзбекистонда мезолитни ўрганишда даврлаштириш, унинг генезиси, тараққиёт йўллари борасидаги фикр-мулоҳазалар ифода этилган.

Калит сўз ва иборалар: Устюрт, мезолит (ўрта тош даври), Айдобол, Чурук, Картпайкум, Сумбетимер, Қўшилиш, Мачай, Обишир.

Сайёра Турғуновна Мирсоатова,
Ферганский государственный университет,
Доцент кафедры всемирной истории, к.и.н.
Раънохон Уринбой кизи Ахмадалиева,
Ферганский политехнический институт,
Преподаватель кафедры социально-гуманитарных наук

ПАМЯТНИКИ ЭПОХИ МЕЗОЛИТА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассуждается о сезонных основных лагерях, охотничьих стоянках, кратковременных промежуточных стоянках эпохи мезолита на Устюрте, а также, о спорных моментах в периодизации таких известных мезолитических памятников Узбекистана как Кушилиш, Мачай и Обишир. Также приведены рассуждения по периодизации, генезису и путям развития в изучении мезолита Узбекистана.

Ключевые слова и фразы: Устюрт, мезолит (среднекаменный век), Айдобол, Чурук, Картпайкум, Сумбетимер, Кушилиш, Мачай, Обишир.

Sayyora Turgunovna Mirsoatova,
the Ferghana State University,
docent Department of the World history,
Candidate of Historical Sciences
Ranokhon Urinboy kizi Akhmadaliev
Ferghana Polytechnic Institute,
Lecturer, Department of Social Sciences and Humanities

MONUMENTS OF THE MESOLITHIC ERA IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article discusses seasonal main camps, hunting camps, short-term intermediate camps of the Mesolithic era in Ustyurt, as well as controversial issues in the periodization of such famous Mesolithic monuments of Uzbekistan as Kushilish, Machay and Obishir. Discussions on periodization, genesis and development paths in the study of the Mesolithic of Uzbekistan are also given.

Index Terms: Ustyurt, Mesolithic (Middle Stone Age), Idobol, Churuk, Kartpaykum, Sumbetimer, Kushilish, Machai, Obishir.

1. Долзарблиги:

XX аср жаҳон археологияси фанида тош даври, хусусан мезолит жамоалари моддий маданияти эволюцион назария асосида ўрганилган. Ҳозирги кунда жаҳон фанида мезолит даври ва унинг даврлаштирилиши бўйича турли қарашлар мавжуд.

Аммо, ҳали бирон бир назарий таълимот бу даврнинг тараққий қилиши муаммоларига тўлиқ жавоб бера олмаган. Мавжуд археологик материаллар ва улар ҳақидаги илмий фикрларни янгича услуб ва ёндошувлар асосида илмий таҳлил қилиш мақола мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, киёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Дарҳақиқат, археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, тарихимизнинг муҳим даври бўлмиш ўрта тош даври, нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё ҳудудини одамлар томонидан кенг кўламда ўзлаштириш даври бўлди. Бундан Устюрт ҳудудлари ҳам четда қолмади. Устюрт ҳудуди Ўзбекистон мезолит даври маданиятини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида мазкур сарҳадларда Е.Б.Бижанов ва А.В.Виноградовлар томонидан 20 га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланган. Улар асосан очик типдаги ёдгорликлар эди [1]. Тадқиқотчиларнинг кузатишларича, бу ёдгорликлар товоқсойлар, шўрхоқ ерлар, қумли массивлар, эски “кўрфаз”лар, ирмоқсимон чуқурликлар ва булоқлар бўйлариди жойлашган. Бундай топографияга Айдобол, Чурук, Картпайкум, Алан массиви ва бошқалар эгадирлар. Улар узоқ ва қисқа муддатли маконларга ажратилади. Узоқ муддатли ёдгорликларга 2000 дан зиёд топилма Айдобол 25 (1000 дона топилмага эга), Айдобол 20, Актайлак (14000 топилма билан); Кийикшинграв 2 (12000 топилмага эга) кабиларни киритиш мумкин. Қисқа муддатли ёдгорликларга Айдобол 15 (83 та топилма), Чурук 2 (84 та топилма), Сумбетимер 1 (263 та топилма) каби ёдгорликлар киради [2]. Улар орасида ўртача ҳажмдаги бир неча юзлаб ёдгорликлар ҳам мавжуд. Масалан, Айдобол 10 (400 га яқин топилма), Айдобол 16 (5000 га яқин топилма), Актобе 2 (5000 дан зиёд топилма) [3]. А.В.Виноградовнинг фикрича, юқоридаги ёдгорликлар орасида 200 тадан 1000 тагача топилмага эга бўлганлари бир мартали ёки мавсумий яшаш учун мўлжалланган манзилгоҳлар ҳисобланади [4].

3. Тадқиқот натижалари:

Келтирилган маълумотларга кўра, мезолит даври ёдгорликларини К.Фланненри ҳамда Ф.Хоуллар таснифига мос равишда уч типга ажратиш мумкин [5]:

1. Мавсумий, асосий лагерлар;

2. Овчилик ўлжасини тақсимлаш учун қароргоҳлар;
3. Қисқа муддатли оралиқ маконлар.

Биринчи типдаги ёдгорликлардан турли хил ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган кўплаб меҳнат қуроллари топилган. Иккинчи типдаги ёдгорликлар ов қилиш ва ўлжа маҳсулотини этини тозалаш, тақсимлашга мўлжалланган махсус қурооллар тўплами билан чекланади. Учинчи тип қурооллари биринчи типдагиларга ўхшаш бўлсада, лекин тош буюмлар сони анча кам учраши билан характерланади [6].

Устюрт платосида мезолит даври жамоалари моддий маданиятини биринчи бўлиб Е.Б.Бижанов ўз тадқиқотларида ёритиб берган [7]. Устюртдаги бу давр ёдгорликларининг дастлабки маданий-даврий интерпретацияси ҳам айнан Е.Б.Бижанов томонидан амалга оширилган. Шунинг билан бирга, стратиграфиялашган ёдгорликларнинг ва бу индустриялар учун қилинган тип-варақаларнинг йўқлиги уларнинг маданий хосликлари, нисбий ва абсолют саналаш, даврлаштириш, генезиси, тараққиёт йўллари, маданий ҳамда генетик алоқалари каби қатор муҳим масалаларни ечиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам Устюрт мезолитини ўрганишда ноаниқликлар, мунозаралар мавжуд. Масалан, тадқиқотчилар томонидан мезолит давригагина хос деб ҳисобланган ёдгорликларни алоҳида олиб қарайлик. Бу борада биз бир хил фикрни топа олмаймиз. Е.Б.Бижановнинг фикрига кўра, Айдабол 16, 25 маконларини, Айдабол 6, 9, 11, 21, 22 ларни аниқ мезолит даврига ва Жаринкудук топилмажойларини эса шартли равишда мезолит даврига оид, дейиш мумкин. Актайлак 1 (1 тўплам), Актобе 2, Чурук 2 (1 ва 2 тўплами), Чурук 7, Сулама, Чурук 3 (2 тўплами) манзилгоҳлари Е.Б. Бижанов томонидан сўнгги мезолит [8] ёки илк неолит даврлари билан саналанган. Актайлак ва Айдабол ёдгорликларини саналашга А.В.Виноградов эҳтиёткорлик билан ёндошади [9], бироқ, унда гап қайси тўплам ҳақида бораётганини тушуниш қийин. Фикримизча, мезолитдан неолитга ўтиш даврига юқорида Е.Б. Бижанов таъкидлаган ёдгорликлар қаторига Актобе 2, Чурук 2 (1 ва 2 тўпламлар), Чурук 7 лардан ташқари, Сумбетимер 1, Косхатин 2, Кийсиксинграв 2 (11 тўплам), Айдабол 7, 10, 12, 14, 15, 20 ва 23 манзилгоҳларини ҳам киритиш мумкин.

Устюртдаги мезолит даври ёдгорликларига катта фоизли микролит элементли пластинкасимон чакмоқлаш техникасида ишланган буюмлар характерлидир. Иккиламчи ишлов беришда кўпинча ўтмаслаштирувчи ретуш қўлланилган. Пойанаксимон пайконлар ишлаб чиқарилган. қирғиччалар, кесгичлар кўплаб учрайди. Шунингдек, бу ёдгорликларда чиғаноқлардан ишланган тақинчоқларни ҳам учратиш мумкин.

Устюрт мезолит даври ёдгорликларининг келиб чиқиши (маданий хослиги) ҳали маълум эмас. Е.Б.Бижановнинг фикрича, Устюртда Каспийбўйи ва Жанубий Урал мезолити таъсирида шаклланган аралаш ҳамда ўзига хос маҳаллий маданиятлар шаклланган [10]. Исбот сифатида у Урал ҳамда Каспийбўйи ёдгорликларидаги ва Устюртдаги трапецияларнинг ўхшашлигини мисол келтиради. Бир вақтнинг ўзида Е.Б. Бижанов, тафовутлар ҳақида ҳам тўхталади ва Устюрт мезолитининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб, бу ернинг ўрта тош даври ёдгорликларини маҳаллий Есен 2 ва Чурук 12 каби палеолит маконларидан ўсиб чиққанлиги ҳақида фикр юритади [11]. Бироқ, трапецияларнинг Устюртда, Уралда, Каспий бўйида ва ҳатто Европа мезолит даври ёдгорликларида учраши қонуният бўлиб, таққослаш учун ва умуман маданий генезислар учун уларни асос қилиб олиш етарли далил эмас [12].

Умуман, Устюртда мезолит даврини маданиятларига ажратишга ҳозирча вақтли. Бунинг учун стратиграфиялашган ёдгорликлар ва улар индустрияларининг аниқ типологияси ҳамда тип-варақалари, қурооллар типларининг фоиз нисбатлари, абсолют саналаш ишлари каби муаммолар ҳал этилиши лозим.

Устюртдаги мезолит даври аҳолисининг ҳўжалиги ҳақида трассологик маълумотлар гувоҳлик беради ва у асосан ўзлаштирувчи характерга эгаллиги аниқланган. Аҳолининг асосий машғулоти овчилик ва теримчилик бўлган. Уй ҳўжалигида териға, суякка ва ёғочға ишлов бериш катта ўрин тутган. Устюрт мезолити даври аҳолиси қўшни худудлар билан

доимий маданий алоқада бўлган ва кейинги маҳаллий неолит даври тараққиётининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Мачай ғори Сурхондарё водийсидаги Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик 1938-1942 йилларда Г.В.Парфёнов томонидан очиб ўрганилган. 1937 йил ғорга М.Э.Воронец ва А.П.Окладниковлар ташриф буюриши [13] ва ёдгорликда мустъе ва мезолит даврларига оид иккита маданий қатламни аниқладилар. 1970-1971 йилларда ёдгорлик Ў.И.Исломов томонидан қазиб ўрганилди ва ундаги маданий қатламлар фақат мезолит бир даврига оидлигини илмий жиҳатдан исботлади [14]. Ғордан хонаки ва ёввойи ҳайвонларга тегишли суяк қолдиқлари, кўплаб тош ва суякдан ишланган буюмлар топилган. Мачайнинг юқори қатлами учун радиоуглерод саналаш амалга оширилган ва у 7550 ± 110 йил натижани берган ва бу Ў.И.Исломовнинг фикрича, сўнгги мезолит даврига тўғри келади [15]. Г.Ф.Коробкованинг фикрича, Мачай ётқизиклари санаси бироз қадимийлаштириб юборилган ва бунга аниқлик киритилиши лозим [16]. Мачайнинг индустрияси асосан доломит ишлатилгани билан характерланади ва унда микролит чақмоқлаш техникасида ишлатилган кам сонли чақмоқтош ҳамда кайроқтошлар ҳам учрайди. Иккиламчи ишлов беришда ўтмаслаштирувчи ретуш кўп қўлланилган. Қуроллар орасида микроқирғиччалар, пластиналар учларидан ясалган қирғиччалар, учириндилардан ишланган қирғичлар, тош рандалар, турли кесгичлар ва микропойнаклар мавжуд. Тўпламда кайроқтош қуроллардан чопперлар ва чоппинглар учрайди.

Суякдан ясалган қуроллар орасида бигизлар, пардозлагичлар, ғилоф, пичоқ ва шокилалар топилган. Ў.И.Исломовнинг фикрича, Мачай материаллари Обиширникига ўхшашдир [17]. Г.Ф.Коробкованинг таъкидлашича, Мачай материаллари кўп сонли микропластинкалари ва ўрта пластиналарининг борлиги ва геометрик қуролларнинг йўқлиги сабабли уни Марказий Фарғона илк неолити тўпламлари билан таққослаш мумкин [18]. Аммо, Мачай қатламларида ўзига хос кайроқтошли қуролларнинг ва суякдан ишланган буюмларнинг мавжудлиги уни кайроқтошли индустрияларга эга неолит даври ёдгорликлари билан яқинлигини кўрсатади. Ёдгорликнинг неолит даврига оидлигини ундан олинган фаунистик таркиб ҳам кўрсатиб туради, чунки улар орасида хонаки сигир суяклари мавжуд. Бундан ташқари, қатламларнинг эр. ав. 5600 йиллар билан белгиланган радиоуглерод санаси ҳам уни неолитга оид дейиш имконини беради ва бу унинг Жайтун маданияти [19], дарёсой комплекслари [20] ва ҳисор маданиятлари [21] билан тенгдош эканлигини кўрсатади.

Сурхондарё ҳудудларидан тадқиқотчилар томонидан мезолит даври билан саналанган алоҳида пунктлар ҳам аниқланган [22]. Бунга Айритом антик давр шаҳар харобаси атрофидан, Эски Термиз яқинидан йиғиб олинган материалларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу йиғилган коллекциялар пластинкалар ва микропластинкалар учун мўлжалланган қаламсимон (карандашавидние) ҳамда призматик нуклеуслар, қирғиччалар, қирғичлар, йирик пайконлар, кесгичлар, ретушланган учиринди ва пластиналардан иборат. А.П.Окладников ва Ў.И.Исломовлар уларни генетик жиҳатдан Самарқанд макони ва Обишир 1-5 ёдгорликлари билан боғлайдилар ва бу Сурхондарё материалларини мезолит даври билан саналаш имконини беради [23].

Юртимиздаги мезолит даврига оид яна бир қизиқарли ёдгорлик Тошкент атрофидаги Бўзсув водийсида ва шу номли дарёнинг чап қирғоғида жойлашган Қўшилиш маконидир. Ёдгорлик 1966 йил геологлар томонидан очилиб, 1967 йилда Ў.И. Исломов томонидан ўрганилган. Қазиш ишлари натижасида лессимон лой ётқизикда қисман сақланган маданий қатлам мавжудлиги аниқланган [24]. Қатламдан 200 та чақмоқтошдан ишланган тош буюмлар, бир нечта ҳайвон суяклари қолдиқлари топилган ва бу суяклар орасида Р.К.Қамбаридиновнинг аниқлашича, хонаки ҳўкизга тегишлилари мавжуд бўлган. Тош буюмлар орасида пластиналардан ишланган учбурчак қуроллар, учириндилардан ясалган пакки-пичоқсимон қиррали ўткир тигли қуроллар, кўплаб қирғиччалар, тош рандалар, санчқилар ва турли хил нуклеуслар учрайди. Ў.И.Исломовнинг фикрича, Қўшилиш макони ёдгорлик қатламларининг геологик таснифи жиҳатидан Ўрта Осиё шунингдек Шанидар, Палегавра, Гари Камарбанд ва бошқа Ўрта Осиё ҳамда Яқин Шарқдаги бошқа машҳур

ёдгорликлар билан таққослаш асосида илк мезолит даври билан саналаниши мумкин [25]. Бу ёдгорликларнинг санаси эса эр. авв. X-IX минг йилликлар билан белгиланган. Бироқ, Г.Ф.Коробкованинг таъкидлашича, Ў.И.Исломов томонидан келтирилган Қўшилиш ёдгорлигининг санаси бироз қадимийлаштириб юборилган [26]. Бу биринчидан, Ў.И.Исломов ўзи таъкидлаганидек, маданий қатламнинг устида ётган уч метрлик лёсс, агар ушбу ҳудудда лёс ҳосил бўлиши тезлигини ҳисобга олсак, ёдгорликнинг қадимийлигини белгилаши шарт эмас [27]. Иккинчидан, Қўшилишнинг индустриясида сўнгги мезолит даври характериға эға бўлган буюмлар кўп учрайди: митти учбурчак қуроллар, пластиналарнинг учида ишланган ён қирраларида ретушсиз қирғиччалар. Учириндилардан ишланган юмалоқ қирғиччаларнинг кўплиги, ўйиб-кертиб ишланган қуролларнинг, кесгичларнинг, учлари йўнилган қуролларнинг ҳамда юпқа ва қаламсимон нуклеусларнинг йўқлиги сўнгги мезолитға хос белгилардир. Учунчидан, Қўшилиш индустрияси учириндилардан ишланган кўплаб юмалоқ қирғиччаларға, пакки-пичоқсимон ўткир тиғли қуроллар ва айрим митти геометрик микролитларға эға бўлган Марказий Фарғона сўнгги мезолити билан даврий таққосланиши мумкин [28]. Ёдгорликни Шанидар, Палегавра ва Гари Камарбанд билан таққослаш эса ҳеч қандай асосға эға эмас. Тўртинчидан, Қўшилишнинг қатламидан топилган хонаки хўкизнинг суяк қолдиқлари Ўрта Осиёда анча кейинги даврларда учрайдиган ҳодисадир. Юқорида таъкидланган далиллар Қўшилишни сўнгги мезолит билан саналашға асос бўла олади [29].

Ёдгорликнинг генезиси масаласи ҳам мунозаралидир. Масаланинг мураккаблигига қарамасдан, Ў.И.Исломов унинг илдиэларини маҳаллий леваллуа мустье ҳамда сўнгги палеолит маданиятларида, деб ҳисоблайди [30] ва уни Тошкент вариантыға киритади [31]. Ҳозирда Қўшилиш макони материалларини улар жуда кам сонли бўлганлиги сабабли Ўрта Осиёнинг бошқа ёдгорликлари билан таққослашнинг имкони йўқ [32] ва унинг генезиси масаласини кўтариб чиқишға асос йўқ, деб ҳисоблаймиз.

4. Хулосалар:

Ушбу минтақада Ўрта Осиёнинг энг яхши ўрганилган ҳудудларидан бири бўлиб, бу ерда 200 дан зиёд маданий қатлами бузилган манзилгоҳ ва топилма жойлар, бешта очик типдаги макон (шунингдек, кўп қатламли), саккизта ғор ва иккита қоя тош сурьатлари ёдгорликлари топилган. Йиғма материалларға эға бўлган қатор топилмажойлар бир хил типдаги ёдгорликларни ўз ичига олган ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб гавжум ҳолда жойлашган. Улар орасида энг йириги Фарғона ёдгорликлари ҳисобланади. Кичикроқ ёдгорликларға Лавлакон қўли ҳудудидаги ёдгорликларни, Дарёсой, Эчкиликсой, Оёқоғитма ва Марказий Қизилқум кабиларни киритиш мумкин. Ўрта Осиёнинг шарқий ҳудудлари мезолитида Мачай ва Қўшилиш маконлари муҳим ўрин тутати. Бу ҳудудда мезолит давриға оид иккита маданият ажратилган. Булар Обишир [33] ва Маркансуй [34] маданиятларидир. Бундан ташқари, ўзига хос Вахш маданияти ҳам ҳукм сурганлиги ҳақида мутахассислар томонидан алоҳида масала сифатида кўтарилмоқда [35]. Адабиётларда Марказий Фарғона мезолити икки комплексдан иборат: Марказий Фарғона ва Обишир маданияти [36]. Бироқ, барча ҳудудларни ўрганишда бўлгани каби, Ўрта Осиёнинг шарқий районларида ҳам кўплаб мунозорали, ноаниқ ва исбот талаб жиҳатлар учрайди. Аниқроқ қилиб айтғада, гап қатор ёдгорликларнинг санаси ва келиб чиқиши (маданий хослиги) масалалари, даврлаштириш ва уларнинг генезиси борасидаги муаммоларидадир. Шу маънода қатор тортишувларға сабаб бўлган ёдгорликлар Мачай ғори ва Қўшилиш маконлари ҳисобланади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Бижанов Е.Б. Неолитические памятники Юго-Восточного Устюрта // Древняя и средневековая культура Юго-Восточного Устюрта. Ташкент. 1978 (Bijanov E.B. Neoliticheskiye pamyatniki Yugo-Vostochnogo Ustyurta // Drevnyaya i srednevekovaya kultura Yugo-Vostochnogo Ustyurta. Tashkent, 1978).

2. Бижанов Е.Б. Находки памятников палеолита в Юго-Восточном Устюрте // ВККФАН УзССР. 3. 1979а. (Bijanov E.B. Naходki pamyatnikov paleolita v Yugo-Vostochnem Ustyurte // VKKFAN UzSSR. 3. 1979a).
3. Бижанов Е.Б. Верхнепалеолитические местонахождения с Юго-Восточного Устюрта // ВККФАН УзССР. 4. 1980. (Bijanov E.B. Verxnepaleoliticheskiye mestonaxojdeniya Yugo-Vostochnogo Ustyurta // VKKFAN UzSSR. 4. 1980).
4. Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта // Археология Приаралья. Ташкент. 1982 (Bijanov E.B. Mezoliticheskiye i neoliticheskiye pamyatniki Severo-Zapadnogo Ustyurta // Arxeologiya Priaralya. Tashkent, 1982).
5. Бижанов Е.Б. Каменный век Устюрта., Автореф на соиск. уч. степ. д.и.н. Ташкент. 1996 (Bijanov E.B. Kamenniy vek Ustyurta. Avtoref. na soisk.uch.step.dok.ist.nauk. Tashkent, 1996).
6. Виноградов А. В. Охотники и рыболовы Среднеазиатской междуречья. Москва, 1981. (Vinogradov A.V. Oхotniki i ribolovi Sredneaziatkoy mejdurechya. Moskva, 1981).
7. Григорьев Г.В. Многослойная позднепалеолитическая стоянка Корнач в Молдавии // Изыскания по мезолиту и неолиту СССР. Л. 1983а (Grigoryev G.V. Mnogosloynnaya pozdneпaleoliticheskaya stoyanka Karnach v Moldavii // Iziskanie po mezolitu i neolitu SSSR. Leningrad, 1983a).
8. Исламов У.И. Мезолитическая стоянка Кушилиш под Ташкентом // ОНУз. № 7. Ташкент. 1970 (Islamov U.I. Mezoliticheskaya stoyanka Kushilish pod Tashkentom // ONUz. #7. Tashkent, 1970).
9. Исламов, Мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ. 9. Ташкент. 1972б (Islamov U.I. Mezoliticheskiye pamyatniki Ferganskoy dolini // IMKU. 9. Tashkent, 1972b).
10. Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита Узбекистана // ИМКУ 11. 1974а (Islamov U.I. K voprosu o lokalnix variantax epoxу mezolita i neolita Uzbekistana // IMKU. 11. 1974a).
11. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент, 1975а. (Islamov U.I. Peshera Machay. Tashkent, 1975a).
12. Исламов У.И. К выделению локальных вариантов мезолита Узбекистана // ИМКУ. 12. Ташкент. 1975б (Islamov U.I. K videleniyu lokalnix variantov mezolita Uzbekistana // IMKU. 12. Tashkent, 1975b).
13. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Док. Дис-С. Новосибирск. 1977 (Islamov U.I. Mezolit Sredney Azii. Avtoref. na soisk.uch.step.dok.ist.nauk. Tashkent, 1977).
14. Исламов Г.Ф., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Азии. Ташкент. 1977 (Islamov G.F., Timofeyev V.I. Kultura kamennogo veka Sentralnoy Azii. Tashkent, 1977).
15. Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980 (Islamov U.I. Obishirskaya kultura. Tashkent, 1980).
16. Исламов У.И. У истоков древней культуры Ташента. Ташкент. 1982 (Islamov U.I. U istokov drevney kulturi Tashkenta. Tashkent, 1982).
17. Исламов У.И. Стоянка Кушилиш // У истоков древней культуры Ташента. Ташкент. 1982 (Islamov U.I. Stoyanka Kushilish. Tashkent, 1982).
18. Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии эпохи мезолита и неолита // Проблемы археологии Средней Азии // Тезисы и сообщ. К совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апреля, 1968 г.). Ташкент. 1968 (Korobkova G.F. Kulturi Sredney Azii epoxу mezolita i neolita // Problemi arxeologii Sredney Azii (1-7 april, 1968). Tashkent, 1968).
19. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии // МИА. М. 158. 1969 (Korobkova G.F. Orudiya truda i hozyastvo neoliticheskix plemen Sredney Azii // MIA. 158. Moskva, 1969).
20. Коробкова Г.Ф. Пробелма культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // МИА. 122. М. 1970 (Korobkova G.F. Problema kultur i lokalnix variantov mezolite i neolite Sredney Azii // MIA. 122. Moskva, 1970).

21. Коробкова Г.Ф. Культуры и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии: (по материалам каменной индустрии) \\\ SA. 3. М.: 1975 (Korobkova G.F. Kulturi i lokalniye varianti mezolita i neolita Sredney Azii (po materialam kamennoy industrii) // SA. 3. Moskva, 1975).
22. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности \\\ КСИА. 149. М.: 1977 (Korobkova G.F. Mezolit Sredney Azii i ego osobennosti // KSIA. 149. Moskva, 1977).
23. Коробкова Г.Ф. Традиции и инновации в культурах мезолита и неолита Бактрии \\\ Древнейшие культуры Бактрии. Тезисы сов-французского симпозиума. Душанбе. 1982 (Korobkova G.F. Traditsii i inovatsii v kulturax mezolita i neolita Baktrii // Drevneyshiye kulturi Baktrii. Tezisi sovetско-fransuzskogo simpoziuma. Dushanbe, 1982).
24. Коробкова Г.Ф. Проблемы культурно-исторического и хозяйственного развития населения древнего Дагестана. М. 1982 (Korobkova G.F. Problemi kulturno-istoricheskogo i hozyastvennogo razvitiya naseleniya drevnego Dagestana. Moskva, 1982).
25. Мамедов Э.Д., Батулин С.Г. Палеогидрогеологическая обстановка и древнее расселение человека в пустынях Средней Азии \\\ Палеоэкология древнего человека. М. 1977 (Mamedov E.D., Batulin S.G. Paleogidrogeologicheskaya obstanovka i drevnyeye rasseleniye cheloveka v pustyniyax Sredney Azii // Paleoekologiya drevnego cheloveka. Moskva, 1977).
26. Массон В.М. Поселение Джейтун \\\ МИА. М. 180. 1971 (Masson V.M. Poseleniya Djejtun // MIA. 180. Moskva, 1971).
27. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945 (Okladnikov A.P. Sledi kamennogo veka v rayone Termeza // Termezskaya arheologicheskaya ekspeditsiya. Tashkent, 1945).
28. Парфенов Г.В. Следы древнейших культур на городище Айртам \\\ ИМКУ, № 2. Ташкент. 1961 (Parfenov G.V. Sledi drevneyshix kultur na gorodishe Ayritam // IMKU. #2. Tashkent, 1961).
29. Ранов В.А. Итоги разведок памятников каменного века на Восточном Памире (1956-1958 гг.) \\\ МИА. 124. М.-Л. 1964 (Ranov V.A. Itogi razvedok pamyatnikov kamennogo veka na Vostochnom Pamire (1956-1958 gg.) // MIA. 124. M.-L., 1964).
30. Ранов В. А. Неолит Гиссарская культура. В кн.: История Таджикского народа. Том I., Душанбе. 1967 (Ranov V.A. Neolit Gissarskaya kultura. V kn. Istoriya tadjikskogo naroda. T. I. Dushanbe, 1967).
31. Ранов В.А., Юсупов А.Х., Филимонова Г.Г. Каменный инвентарь стоянки Дарай-Шур и его культурные связи \\\ Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезолита о бронзы). Душанбе. 1982 (Ranov V. A., Yusupov A.X. Kamenniy inventar stoyanki Darai-Shur i yego kulturniye svyazi // Kultura pervobitnoy epoxi Tadjikistana (ot mezolita do bronzi). Dushanbe, 1982).
32. Hole F, Flannery K. V. The prehistory of southwestern Iran \\\ RRS. 33. Paris. 1967.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000